БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НЕГИЗИДА КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИНГ УЗЛУКСИЗ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ



Тўрақулов У.Х.
пед. фан. фалс. докт. (PhD).

Аннотация

Мазкур мақолада рақамли технологиялар негизида бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид узлуксиз илмий-методик тизимни яратиш масаласи қаралади.

Мазкур мақоладан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш муаммоси билан шуғулланувчилар фойдаланиш мумкин.

Калит сўзлар: рақамли технологиялар, ўқитувчилар; технологик таълим; узлуксиз; яратиш; илмий-методик; таъминот; илм-фан; техника- технология; такомиллаштириш; мақсад; вазифалар; тоифали; ресурслар; босқичлар; жорий этиш; лойиҳалаштириш; амалиёт; мўлжалланган; талабалар; босқичлар; педагогик; самарадорлик; хулосалар; тавсиялар; ахборот технологиялари; матнли материаллар; моделлар.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос создания непрерывной научно-методической системы подготовки будущих учителей на основе цифровых технологий.

Эту статью могут использовать те, кто занимается проблемой повышения квалификации будущих специалистов.

Ключевые слова: цифровые технологии; учителя; технологическое образование; непрерывное; создание; научно-методическое; обеспечение; Наука; техника-технология; совершенствование; цель; задачи; категория; ресурсы; этапы; внедрение; проектирование; практика; предназначение; студенты; этапы; педагогика; эффективность; выводы; рекомендации; информационные технологии; текстовые материалы; модели.

Annotation

The article considers the issue of creating a continuous scientific and methodological system for training future teachers based on digital technologies.

This article can be used by those who are engaged in the problem of improving the skills of future specialists.

Key words: digital technologies; teachers; technological education; continuous; creation; scientific and methodological; support; science; technology-technology; improvement; goal; tasks; category; resources; stages; implementation; design; practice; purpose; students; stages; pedagogy; effectiveness; conclusions; recommendations; information technologies; text materials; models.

Маълумки, таълим жараёнидаги ёки муайян бир йўналишдаги мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда режалаштирилган мақсадни амалга ошириш қаралаётган фаолиятнинг турлича янгидан-янги усулларини, методларини, технологияларини ва шу кабиларини келтириб чиқаради. Уларни танлашда албатта қаралаётган муаммонинг қўйилиши ва мақсад - вазифаларини ҳал қилишни оптималлаштириш нуқтаи назаридан қараб чиқиш керак. Бу қаралаётган яъни тадқиқот жараёни бўйича янгича сифат ўзгаришлар қилиб, юқори самарадорликни қўлга киритишга кенг имкониятлар яратади, яъни инновацион ёндашувни амалга оширишга шарт-шароит яратади. Ана шу сабабларга кўра ҳам ҳар қандай тадқиқот ишини олиб боришда уни амалга оширишнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган. Айниқса педагогик тадқиқот ишларини олиб боришда унга мос узлуксиз илмий-методик таъминотни ишлаб чиқиш ёки қаралаётган муаммони ҳал қилишда ундан фойдаланиш ушбу соҳадаги тадқиқот ишларининг асосий негизини ташкил этади.

Шу сабабли ҳам бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг узлуксиз илмий-методик таъминоти тизимини яратиш муоммоси кун тартибига қўйилган **долзарб ва истиқболи** муаммолардан ҳисобланади ва бундай муаммоларни ҳал қилиш орқали бўлажак мутахассисларни янгича шароитларда ишлашга тайёрлаш масаласини ҳал қилиш мумкин бўлади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижалари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга мўлжалланган узлуксиз илмий-методик таъминот тизимини ишлаб чиқиш мумкинлигини кўрсатди[1-3].

Бундан кўриниб турибдики, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга мўлжалланган илмий-методик таъминот тизимини яратиш муаммоси ўзига хос ижодий ва мажмуавий ёндашув қилишни талаб этади. Биз бундай тадқиқот ишини дастлаб илмий-методик таъминот тизимини яратишнинг мақсад ва вазифаларини аниқлашдан бошладик. Уларни қуйдаги кетма-кетликда амалга оширдик

Мақсад : Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашга мўлжалланган илмий-методик таъминот тизимини яратиш.

Вазифалар қуйдагилардан иборат:

1. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотни тизимини яратишнинг ахборот ресурсларини аниқлаш.
2. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълимни ахборотлаштиришга қўйилган талабларни асослаш.
3. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотига тегишли биринчи тоифали таъминотлар тизимини шакллантириш.
4. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотига тегишли иккинчи тоифали таъминотлар тизимини шакллантириш.
5. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш босқичларини илмий-методик жиҳатдан асослаш.
6. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид тайёрланган илмий-методик таъминот тизимини амалиётга жорий этишни лойиҳалаштириш.

7. Рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий-методик тизимдан амалиётда фойдаланишдаги педагогик самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш.

8. Олиб борилган тадқиқот иши натижаларига асосланган ҳолдаги хулосалар ва тавсиялар тизимини шакллантириш.

Энди бевосита юқорида қайд этилган вазифаларнинг ҳал этилиши ҳақидаги тақиқот натижалари ҳақида тўхталамиз.

Биринчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид тайёрланган илмий-методик таъминотга тегишли ахборот ресурсларини аниқлаб ва асослаб олдик. Бундай вазифани ҳал қилишни биз рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни замонавий касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришга мажмуавий ёндашув қилиш нуқтаи назаридан қарадик. Бунга сабаб мажмуавий ёндашувда таълим жараёнида таълим олувчиларнинг ўқув-билув, ўқув-амалий ва мустақил фаолиятларини органик бирликда қаралади.

Иккинчи вазифа бўйича Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги таълимни ахборотлаштиришга қўйилган талабларни илимий-методик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади. Ушбу босқичнинг аҳамиятли томони шундаки, тадқиқот объектини чуқур таҳлилий ўрганиш тадқиқот олиб бориш стратегиясини белгилаб олишда ва ишчи фаразни асослаб олишда дастлабки функционал асос бўла олади. Ушбу босқичдаги материаллар таълим олувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларида янги билимларни эгаллашига ҳам муҳим дидактик асос бўла олади, шунингдек, бу босқич бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг интеллектуал-лаштирилган ўқитиш тизимини ишлаб чиқиш жарайёнида ҳам муҳим асос бўла олади.

Учинчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотига тегишли биринчи тоифали таъминотлар тизимини шакллантириш масаласи қаралади.

Ушбу соҳада олиб борилган изланишларимиз ва кузатишларимиз натижаларининг кўрсатишича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотни такомиллаштириш муаммосини ҳал қилишнинг мукаммаллигини таъминлаш учун қуйидагидек таъминотлар тизимини таркиб топтириб олиш керак экан: қонуний-ҳуқуқий таъминот; меъёрий-ҳуқуқий таъминоти; ахборотли таъминот; техник таъминот; дастурий таъминот; ташкилий таъминот; услубий таъминот; эргономик таъминот.

Тўртинчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотига тегишли иккинчи тоифали таъминотлар тизимини яратиш масаласи қаралади.

Бу вазифани бажаришда асосан бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотнинг асосий таркибий қисмлари бўлмиш ўқув-дидактик, ўқув-услубий, ўқув-дастурий, ўқув-ахборотли ва дастурий-методик таъминотлар ҳамда илмий-методик таъминотга қўйилган ва ундан амалиётда фойдаланишга қўйилган талаблар ҳақидаги тадқиқот натижалари келтирилади. Бўндай тадқиқот жараёнида методика ва унинг мазмун-моҳиятининг аҳамияти катта.

Бешинчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш босқичларини илмий-методик жиҳатдан асослаш масаласи қаралади.

Бу босқичдаги ижодий изланишларимизда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш босқичлари билан бирга уларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги илмий-методик таъминотни такомиллаштириш босқичларини интеграциялаш масаласини тадқиқ этилади. Бунда рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг

илмий-метод таъминотини такомиллаштиришнинг дидактик босқичларига оид илмий-амалий тушунчалар негизида уларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг тайёргарлик босқичига оид изланишлар олиб борилади. Худди шунингдек, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш генерамизациялаш, адаптациялаш ва жорий этиш босқичлари негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни тайёрлашни такомиллаштиришнинг шакллантириш, асословчи ва жорий этиш босқичлари оид изланишлар олиб борилади.

Олтинчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга тайёрланган илмий методик таъминот тизимини амалиётга жорий этишни лойиҳалаштириш масаласи қаралади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги лойиҳалаштиришнинг **асосий мақсади** таълим олувчиларнинг назарий билимларини амалий-ҳаётий вазиятларга нисбатан қўллаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Еттинчи вазифа бўйича рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга оид ишлаб чиқилган илмий-методик тизимдан амалиётда фойдаланишдаги педагогик самарадорликни аниқлаш ва баҳолаш механизимини ишлаб чиқиш ҳал масалалари қаралади. Бунда фақатгина БТТЎсининг БТТЎни КФТни такомиллаштиришдаги сўнгги назорат натижалари асосий эътиборда бўлади. Улар таълим сифати ва самарадорлигига қараб даражаланади ва у даражалар учта йўналишда бўлади. Ана шуларга қараб бўлажак мутахассиснинг касбий тайёргарлигига хулосалар берилади.

Саккизинчи вазифа бўйича олиб бориладиган тадқиқот иши натижаларига асосланган ҳолда хулосалар ва тавсияларни тизимини шакллантириш масаласи қаралади. Бунда олдинги таркибий қисмлари даражаланган натижаларга мос хулосалар ишлаб чиқилади.

Бу босқичдаги “натижалар→хулосалари→тавсиялари” тизими ўлажак технологик таълим ўқитувчиларни рақамли технологиялар негизида касбий фаолиятга тайёрлашни нечоғлик самарали олиб борилганини аниқлаш кўрсаткичи ҳам бўла олади.

Бу олиб борилган тадқиқот иши бўйича хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, рақамли технологиялар негизида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашга мўлжалланган узлуксиз илмий-методик таъминоти тизимини яратиш кетма-кетлигидан амалиётда фойдаланиш натижасида, **биринчидан** таълимда ижодий муҳит яратилади, **иккинчидан** бўлажак технологик таълим ўқитувчиси сифатли, ишончли, мукаммал, интеллектуал билимларга эга бўлади, **учинчидан**, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашдаги барча фанларни ўқитишни ахборотлаштиришга кенг имкониятлар яратади, **тўртинчидан,** бўлажак технологик таълим ўқитувчга янги билимларни эгаллашга тўлиқ шарт-шароит яратиб беради, **бешинчидан**, қайд этилган кетма-кетлик асосида тайёрланган бўлажак технологик таълим ўқитувчиси инновацион ривожланган рақобатбардош замонавий етук кадр бўлади.

Ушбу яратилган инновацион технологиядан ихтиёрий йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин ва энг асосийси уўбу соҳадаги узлуксиз дастурий-методик тизимини шакллантиришга ҳам муҳум фундаментал методологик асос бўла олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўрақулов У.Х. Бўлажак ўқитувчиларнинг интеллектуал фаолиятни ташкил этишга тайёргарлигини такомиллаштириш. пед. фан. фалс. докт. (PhD).....дисс.-Т., 2020, 187 б.

2. Тўрақулов У.Х. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқишга тизимий ёндашув// Инновацион ёндашувлар – илм – фан тараққиёти калити сифатида: ечимлар ва истқболлар: Республика миқёсидаги илим – техник анжумани материаллари тўплами.-Жиззах, 2020.-Б. 318-322.

3. Тўрақулов У.Х., Ўрозбоев С.Э. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида шарқ мутофаккурлари асарларидан фойдаланишни технологиялаштириш // Абай Қунонбоев ва шарқ мутофаккирларининг педагогик қарашлари: Халқаро илмий – амалий конференциси материаллари.- Жиззах, 2020.- Б. 108-110.